ЎЗБЕК ДЕҲҚОНЛАРИ ФОЖЕАСИНИНГ ЯНГИ ТАДҚИҚИ

Расулов. Б. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-59 йй). - Т.:Шарқ, 2012. - 368 б.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида Ватанимиз тарихини холисона ва ҳаққоний ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Советлар ҳукмронлиги йилларида сохталаштирилган, бузиб талқин қилинган тарихимиз ўзининг асл ҳолига келтирилмоқда. Айниқса, коммунистик мафкура таъсири туфайли ўрганилиши тақиқланган тарихимиздаги айрим “оқ доғлар” ҳам мустақиллик йилларида ўзининг илмий ечимини топаётгани қувонарли ҳолдир. Шу жиҳатдан қараганда, Б.М.Расуловнинг “Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар)” номли монографияси ҳам муҳим тадқиқотлар сирасига киради.

Мазкур муаммо нафақат тарих фанининг, балки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони асосида бегуноҳ қурбон бўлган ватандошларимизнинг ҳурмати ва хотирасини жойига қўйиш, фуқароларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтириш нуқтаи назаридан ҳам долзарб ҳисобланади. Чунончи, коллективлаштириш жараёнида қишлоқ аҳолисининг қатағон қилиниши ва сургун қилинган қулоқларнинг сургундаги тақдири масаласи советлар ҳукмронлиги даврида ҳаққоний ўрганилмаган, бу муаммонинг кўплаб жиҳатлари сохталаштирилган, ҳақиқий далиллар махфийлик тамғаси билан тадқиқотчилар эътиборидан яшириб келинган.

Монография жуда бой илмий манбаларга асосланиб ёзилган. Унда келтирилган фактик далиллар биринчи бор илмий муомалага киритилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви ва Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларидаги давлат архивларидаги мавзуга доир материаллар ўрганиб чиқилган. “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди Ўзбекистоннинг бир неча вилоятлари, Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон Республикаларига уюштирган илмий экспедициялари натижасида тўплаган мавзуга оид қимматли адабиётлар ва архив материаллари фондидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотда илгари сурилган илмий-назарий хулосалар совет ҳукумати ва ҳукмрон мафкуранинг ҳақиқий башарасини очишга, коллективлаштириш ва қулоқ қилиш сиёсатининг асл моҳиятини тушуниб етишга имкон беради. Коллективлаштириш ғоясининг вужудга келиши, бу ғоянинг Сталин ва унинг бир неча ҳамфикрлари хоҳишларига кўра ўйламай-нетмай шошилинч амалиётга татбиқ қилиниши катта фожиаларга олиб келгани батафсил ёритиб ўтилган. Умуман, советлар томонидан амалга оширилган коллективлаштириш сиёсати ўзбек деҳқонлари учун ҳам оғир йўқотишларга сабаб бўлгани ўз аксини топган.

Монографияда қулоқ қилиш, қулоқ оилаларини сургун қилиш амалиётининг механизмлари, бу сиёсий кампанияни амалга ошириш жараёнидаги мураккабликлар, маҳаллий партия-совет органларининг қишлоқ аҳолисига нисбатан зўравонликлари, қонунбузарликлари қатор фактик материаллар асосида ёритилган. Ишнинг муҳим жиҳатлари:

- XX аср 20-30-йилларидаги “қулоқ”лар тавсифи, тоифаланиши масалалари сиёсий-ҳуқуқий, ғоявий-мафкуравий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда “муштумзўр”, “қулоқ” атамаларининг этимологияси кўрсатиб берилган;

- совет ҳокимиятининг иқтисодий, ижтимоий ва диний белгиларига кўра ҳамда сиёсий сабабларга асосан қишлоқ аҳолисини сиёсий қатағон қилиши ёритилган, ўзбек қишлоқларидаги бой-қулоқ хўжаликлари якка тартибда солиққа тортилгани, уларга пахта, пилла, ғалла топшириш мажбуриятлари юклангани ва мажбуриятни бажармаганлар суд орқали қатағон қилингани асослаб берилган.

- “меҳнат лашкарлари (тылоополченцы, трудополченцы)” қатағон қурбонларининг алоҳида

гуруҳи ҳисобланиб – ҳақсизлар, қулоқлар ва руҳонийларнинг чақирув ёшидаги фарзандларидан ташкил топгани, улар 1930–1937 йилларда қизил армия сафига эмас, балки махсус қурилиш қисмларига чақирилгани ва эркинлиги чекланган ҳолда, оғир меҳнатга мажбур этилгани аниқланган;

- сургун қилинган қулоқ оилаларининг махсус посёлкаларда кечган ҳаёти, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолияти масалалари ҳам монографияда ўз аксини топган.

Умуман, тадқиқотда меҳнат кўчкиндиларининг махсус посёлкалардаги аянчли ҳаёт тарзи “қулоқлар сургуни”нинг амалий якунига қадар таҳлил доирасига тортилган. Монография тарихий тадқиқотларнинг янгича, замонавий методологик тамойиллари асосида тайёрланган. Шунингдек, умумий илмий тамойиллар – илмийлик, холислик, ҳаққонийлик, мантиқий изчиллик тамойиллари ҳам ўрганилган муаммо моҳиятини ёритишда катта аҳамият касб этган. Монография якунида ўрганилган масалалар бўйича умумий хулоса қилинган ва мазкур муаммони янада чуқурроқ ўрганиш, тадқиқ этишга доир қатор амалий таклиф-тавсиялар берилган.

Б.М.Расуловнинг “Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йиллар)” номли монографияси долзарб мавзудаги тугал тадқиқот иши бўлиб, унинг таркибидан ўрин олган масалалар тўласича ўз ечимини топган ва айни шу жиҳати билан у тарихшунослигимизга муҳим ҳисса бўлиб қўшилгандир.

Соатмўмин Бўриев,
Термиз давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди